O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 20 сентябрь, № 185 (4595) Шанба

# ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК БУНЁДКОРЛАРИ

***Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир***

***Мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар маънавий баркамол авлодни вояга етказиш мақсадига қаратилганлиги маълум. Зеро, Юртбошимиз раҳнамолигида ҳаётга татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш умумиллий давлат дастури асосида янгидан қад ростлаётган ўқув масканлари ёшларимизнинг етук билимли, касб-ҳунар борасида малакали мутахассис бўлиб етишишларини таъминлаётир.***

Қарши туманида ҳам ана шундай муҳташам ва замонавий коллеж биноси қад ростлади. Мазкур ўқув даргоҳида саккиз йўналиш бўйича 390 нафар ўғил-қиз иқтисодиёт асосларидан таълим олаяпти.

— Коллежимизда энг сўнгги ўқув-лаборатория хоналари ва жиҳозлари, спорт мажмуаси, ахборот-ресурс маркази каби шарт-шароитлар мавжуд, — дейди ўқув маскани директори Шомил Одилов. — Янги ўқув йилида фойдаланишга топширилган ушбу даргоҳда ён-атрофдаги бешта қишлоқ ёшлари таълим олаётир. Улар тажрибали педагоглар ёрдамида интерфаол усуллар асосида пухта билим ва малакага эга бўлаяптилар.

Покиза орзу-ниятлар ила келажак сари дадил интилаётган бу навқирон йигит-қизлар бугун юксак ғамхўрлик ва эътибордан баҳраманд ҳолда ўсиб-улғаймоқдалар, эътибор ва ишончга муносиб бўлмоқ мақсадида интилаяптилар. Бу эса келажакка умидимизни янада юксалтирувчи асосий жиҳатлардан биридир.



**СУРАТДА:** Қарши туманида янги қад ростлаган иқтисодиёт коллежи ўқувчилари.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.**



# ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

**Парламентдаги мухбирларимиз хабар қилади.**

***Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида “Замонавий ахборот коммуникацияларининг ривожланиши ва ёшлар маънавияти” мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва нодавлат ташкилотларнинг ходимлари, ёшлар тарбияси билан шуғулланувчи ташкилот ва жамғармалар, олий ўқув юртлари талабалари, электрон ва босма оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган давра суҳбати ҳозирги шароитда ёшлар ва уларнинг онгига салбий таъсир кўрсатаётган ахборот оқими, унинг таъсиридан сақланиш ҳақидаги мулоҳазаларга бойлиги билан эътиборли бўлди.

Суҳбат чоғида айтилганидек, соҳани ривожлантиришга оид 11 та қонун, 3 та фармон ва 40 дан ортиқ қарорлар қабул қилинган, 300 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари яратилган. Табиийки, бу ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ривожланишида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Натижада мобиль алоқа абонентларининг сони жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига кўра, 10 миллиондан ошган, интернет тармоғига уланиш хизматини кўрсатувчи субъектлар сони 850 та, жамоат пунктлари сони 870 тадан кўпроқни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, электрон пул-тўлов тизимлари ҳам жадал ривожланаётир.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида эришилаётган ютуқлар ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётгани ҳамда уларни ахборот хуружидан ўз вақтида ҳимоя қилиш муҳимлиги суҳбат иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

* * *

***Шунингдек, кеча Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Электр энергетикасини, ноанъанавий ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳамда уларни қонунчилик билан таъминлаш” мавзуида давра суҳбати ҳам ўтказилди.***

Давра суҳбатида Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар ҳамда идораларнинг раҳбарлари ва мутахассислари, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари иштирок этдилар.

Маърузачилар энергетика муаммолари ва уларни ҳал этишга бўлган ёндашувлар, электр энергетикасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари, шунингдек, Қонунчилик палатаси томонидан биринчи ўқишда қабул қилинган “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг асосий концепцияси каби масалаларда сўз юритишди.

Йиғилиш қатнашчилари иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бўлган электр энергетика соҳасини ривожлантириш йўналишларини шакллантириш иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашган, бу соҳада тузилмавий ўзгаришлар юз бераётган шароитда алоҳида аҳамият касб этишини таъкидладилар. Шунингдек, янги қонуннинг қабул қилиниши истеъмолчиларга зарур даражадаги сифатли электр энергияси етказиб бериш тизимини ҳамда соҳага инвестиция жалб қилиш муносабатларини таъминлаши айтилди.

Йиғилиш иштирокчилари мазкур қонун лойиҳаси юзасидан таклифлар билдиришди.

**А. БОЛИЕВ,**
**З. ХУДОЙШУКУРОВ.**

# БРЮССЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМИ

***Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган байрам кечаси Брюссель шаҳри марказидаги муҳташам «Концерт Нобль» марказида бўлиб ўтди.***

Тадбир Бельгия жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Унда Брюссель шаҳри раҳбарияти, Бельгия ва Нидерландиянинг федерал ҳамда минтақавий вазирликлари ва идоралари, ишбилармон, жамоат, таҳлил ва маданият доиралари, Европа комиссияси ва Европарламент вакиллари, шунингдек, Бельгияда аккредитациядан ўтган ЕИ ва НАТО ҳузуридаги дипломатия миссиялари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Йиғилганлар эътиборига мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Ўзбекистон санъат усталари ижросидаги концерт дастури меҳмонлар томонидан қизғин кутиб олинди.

Амстердам бизнес марказининг халқаро алоқалар масалалари бўйича масъул вакили Йорик Бэйшмен тадбир хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, ушбу байрам кечаси ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлигини яна бир бор намойиш этганини таъкидлади.

— Айни пайтда биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини ўрганяпмиз, — дейди Й. Бэйшмен Ўзбекистон ва Нидерландия ишбилармонлари ўртасидаги алоқалар истиқболларига тўхталиб. — Муносабатларимиз икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қилишига ишонамиз.

**▼ Биз ва дунё**

Амстердам амалий санъат директори Б. Дуня халқимизни байрам билан табриклаб, жумладан, шундай деди: «Ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқишларида халқингизнинг бой маданий мероси акс этди. Уларнинг концерт дастурини музейимизда ҳам уюштириш ниятидамиз. Бу музейимиз меҳмонларининг халқингиз кўҳна тарихи, бой маданияти ва анъаналари тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитишга хизмат қилар эди».

«Het VisumBuro» сайёҳлик компанияси вакили Инга Ван Экер «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан кечган суҳбатида унинг компанияси жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам сайёҳлик сафарлари уюштиришини маълум қилди.

— Бетакрор диёрингизни томоша қилишни хоҳловчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди у. — Ўзбекистон Шарқнинг энг мўъжизавий мамлакатларидан биридир. Бебаҳо тарихий ёдгорликлар, қадимий ва ўзига хос маданиятга эга бўлган самимий ва меҳмондўст халқингиз тобора кўпроқ европалик сайёҳларни ўзига жалб этмоқда.

Лёвен Католик университети профессори Вильям Ван Дийлендонг байрам тадбиридан олган таассуротлари ҳақида гапириб, яқинда Ўзбекистонда бўлгани ва мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртлари раҳбарлари билан учрашганини таъкидлади.

— Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар демократик ва ҳар томонлама тараққий этган давлат барпо этишда таянч бўладиган ёш авлодни тарбиялашнинг кафолатидир, — деди профессор В. Дийлендонг.

**Азим МУҲАММАДЖОНОВ,**
**«Жаҳон» АА.**
Брюссель

**▼ Арафа**

***Кундалик ҳаётимизга ахборот-коммуникация технологиялари жадал суръатда кириб келмоқда. Ҳозир бирор воқеа-ҳодиса ҳақида маълумотга эга бўлишни истасак, бемалол Интернет хизматидан фойдаланишимиз, ундан истаган маълумотимизни олишимиз мумкин.***

## АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ НАМОЙИШИ

Бу мамлакатимизда ахборот-коммуникация соҳасига кенг эътибор қаратилаётганидан далолатдир. Жорий йилнинг 22-28 сентябрь кунлари мамлакатимизда ўтказиладиган анъанавий Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги ҳам бу борада олиб борилаётган ижобий саъй-ҳаракатларнинг яна бир тасдиғидир.

Пойтахтимизда бошланадиган ушбу тадбир соҳада эришилган натижаларни тўлиқ баҳолаш, алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги янги ютуқларни кенг омма эътиборига ҳавола этиш, келгусидаги режаларни белгилаш имконини беради.

Мазкур ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Ривожланиш дастурининг “АКТ сиёсати” лойиҳаси доирасидаги ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилмоқда.

— АКТ — 2008 ҳафталигида соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар ташкиллаштирилади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси ўринбосари И. Саифназаров. — Уларнинг ҳар бири ахборот технологияларидан фойдаланувчиларда, умуман, шу соҳага қизиққан барчада катта қизиқиш уйғотиши, шубҳасиз.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар



***Пойтахтимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг илмий асослари ва технологияларига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Қурғоқчил минтақалар бўйича қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро марказининг (ИКАРДА) Марказий Осиё ва Кавказорти минтақавий ваколатхонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Озарбойжон ва Арманистон каби мамлакатлардан вакиллар, мутахассислар, эксперт ва олимлар иштирок этди.***

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Анжуманда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш, хусусан, ирригация, мелиорация, агросаноат каби соҳаларда фаолият юритувчи мутахассисларнинг малака ва маҳоратини ошириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва шу асосда ҳосилдорликни кўпайтириш ҳамда мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрда қабул қилинган «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

**Қўрғонтепадаги ип-йигирув корхонасининг эски иш қуроллари замонавий, илғор асбоб-ускуналар, жиҳозлар билан алмаштирилиб, “Самошертекс” Ўзбекистон — Америка — Россия қўшма корхонасига асос солинди.**

## «Самошертекс» иш бошлади

Бу ерда 7,9 миллион АҚШ доллари миқдорида лойиҳалаш ишлари амалга оширилди.

Корхона модернизация қилингач, йилига 5,2 минг тонна калава ип тайёрлаш имконияти яратилди. 600 нафар фуқаро эса иш билан таъминланди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Истеъмолчилар манфаати устувор

*“Газли нефть-газ қазиб чиқариш” унитар шўъба корхонаси бир кеча-кундузда икки миллион 600 минг куб метр газни шартнома асосида истеъмолчиларга етказиб беряпти.*

Олот нефть-газ қидирув экспедицияси жорий йилнинг ўзида иккита йирик газ қудуғини фойдаланишга топширди. Хўжақазғон ва Кулбишкекдаги мазкур қудуқлар ишга тушиши билан газ қазиб олиш ҳажми бир кеча-кундузда 300 минг куб метрга кўпайди. Тез орада Хўжақазғон конида яна бир қудуқ фойдаланишга топширилади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Китоб туманидаги “Севаз-Андроникс” масъулияти чекланган жамиятида мева шарбати тайёрлашга ихтисослашган янги технологик линия ишга тушди.***

## Қайта ишлаш — даромад манбаи

Унинг асосий ускунаси Австриянинг “Бухер Фудтек” компанияси томонидан ишлаб чиқарилган бўлиб, фильтрлаш ҳамда идишларга қуйиш мосламалари Германия ва Италияда тайёрланган. Умумий қиймати 196 минг еврони ташкил этадиган бу линия бир кеча-кундузда 15 тонна мевани қайта ишлаш қувватига эга.

— Жамиятимиз тасаррўфида 295 гектар боғ бор, — дейди жамият раиси Алишер Бойқораев. — Шу вақтгача ҳосилни қайта ишлаш корхоналарига топширар эдик. Энди ўзимиз қайта ишлаяпмиз. Қисқа вақтда 400 тонна олма ва нок шарбати тайёрладик.

Янги линия ишга тушгач, 50 та иш ўрни яратилди. Бу жойларни Севаз қишлоғининг тумандаги қишлоқ хўжалик коллежини тугатган ёшлари эгаллашди.

**Б. НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

# ШАХСИЙ ЧОРВА — ЭЛ БОЙЛИГИ



**2008** йил 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимиз аҳолисига қорамол сотиб олиш учун **20,1** миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди.

**Тижорат банклари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш жамғармаси томонидан берилган ана шу маблағ шарофати туфайли республикамизда аҳоли жон бошига гўшт ва сут ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди.**

## ЖАҲОН 24 соат ичида

### Ишлаб чиқариш камайтирилади

***«The Times» газетасининг ёзишича, «Jaguar» компанияси Буюк Британияда автомашиналар ишлаб чиқаришни камайтирмоқчи.***



Компаниянинг бундай қарорга келишига жорий йил август ойида «Jaguar» русумидаги автоуловларга бўлган талабнинг кескин камайиб кетганлиги сабаб бўлган. Зеро, шу ойда компания машиналарининг савдоси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 41 фоизга тушиб кетган.

Айни пайтда мамлакат машина бозорида бошқа компаниялар ҳам ана шундай инқирозга дуч келган. Жумладан, «Toyota» русумидаги автомобилларнинг сотуви 26 фоизга, «Land Rover»ники эса бундан ҳам паст — 58 фоизга қисқарган.

### Гаровдагилар озод қилинди

***Покистоннинг шимоли-шарқида жойлашган Дир тумани аҳолиси жангарилар томонидан гаровга олинган 300 нафар мактаб ўқувчисини озод қилишга муваффақ бўлди, дея хабар беради «Press TV» телеканали.***

Гаровдагиларни қутқариш вақтида отишма содир бўлган ва унда икки нафар босқинчи ўлдирилган. Учинчиси эса қочиб кетишга муваффақ бўлган. Мактаб маъмурларининг таъкидлашича, ўқувчилардан ҳеч бири жароҳатланмаган.

Телеканал тарқатган хабарда жангарилар «Ал Қоида» ёки «Толибон» ҳаракати вакиллари бўлиши мумкинлиги айтилган.

### Нефть қудуқларидаги талафот

***Айни кунларда «Айк» тўфони келтирган талафотлар ҳисоб-китоб қилинмоқда.***



Экспертларнинг таъкидлашича, табиий офат Мексика кўрфазидаги АҚШга тегишли 49 та нефть қазиб чиқарувчи платформани ишдан чиқарган. Уларда кунига 13 минг баррель "қора олтин" ва 2,5 миллион куб метр газ қазиб олинаётганди.

Турли манбаларда келтирилишича, «Айк» АҚШ иқтисодиётига 18 миллиард доллар миқдорида зарар етказган.

### Автобус ҳалокати

***Непал пойтахти Катманду шаҳридаги тоғли йўллардан бирида йўловчи автобуси дарёга қулаб тушди.***

«Associated Press» ахборотида келтирилишича, соатига 160 километр тезликда ҳаракатланаётган автобус тахминан 180 метр баландликдан тушиб кетган. Воқеа жойида 14 киши ҳалок бўлган ва 25 нафар йўловчи турли даражада тан жароҳати олган. Фожиага ҳайдовчининг бошқарувни йўқотганлиги сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

### Хасталик келтирувчи иллат

***Бугунги кунда Россиянинг 2,8 миллион фуқароси спиртли ичимликлар таъсирида оғир хасталикларга дучор бўлган.***



Бу кўрсаткич мамлакат аҳолисининг икки фоизини ташкил этади. «РИА Новости»нинг хабар беришича, бу муаммо яқин кунларда бўлиб ўтадиган «Соғлом авлод — Россия тараққиётининг асоси» мавзуидаги тўртинчи Бутун мамлакат форумида ҳам муҳокама қилинади.

Мамлакат бош санитар шифокори Геннадий Онишенконинг айтишича, ҳозирда турли тадбирларда алкаголли ичимликларни камайтириш, уларнинг сифати устидан кучли назорат ўрнатиш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилмоқда.

### Ғалаён кўтаришди

***Мексиканинг Тихуана шаҳридаги қамоқхона маҳбуслари яна ғалаён кўтаришди.***

Хавфсизлик хизмати ходимлари билан жазони ўтаётганлар ўртасидаги бу галги тўқнашув жиддий кўриниш олган.

Мамлакатнинг Қуйи Калифорния штати полиция маҳкамаси бошлиғи Даниэль де Ла Россининг сўзларига қараганда, ғалаён вақтида 19 маҳбус ҳалок бўлган, 12 нафари тан жароҳати олган. Шунингдек, у бу маълумотлар ҳали расман тасдиқланмаганлигини ҳам айтиб ўтган.

Қамоқхона маъмурлари эса вазиятни ўз қўлларига олганликларини ва жуда хавфли ҳисобланган 200 нафар маҳбус Мексиканинг бошқа қамоқхонасига кўчирилганини маълум қилишган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Ҳаётга татбиқ этилган ҳар қандай қонун ёки қарор ижроси амалда тўла таъминланса, у, шубҳасиз, кутилган натижани беради.***

# СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — ФАОЛИЯТ КЎЗГУСИ

**Хизмат**

Шу маънода Қорақалпоғистон Республикаси синов ва сертификатлаштириш маркази жамоаси Ўзбекистон Республикасининг "Маҳсулотларни ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида"ги, "Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида"ги ва "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 июлдаги "Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида ўз вазифаларини изчил амалга оширмоқдалар.

Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида марказимиз сертификатлаштириш идорасининг аккредитация хизмати доираси технологик ускуналар ва полимер маҳсулотларини сертификатлаштириш ҳисобига янада кенгайтирилди. Бу, албатта, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, юридик ва жисмоний шахсларга бир қатор қулайликлар яратди.

2008 йилнинг ўтган 6 ойи давомида жами 444 та мувофиқлик сертификати, Ҳамдўстлик мамлакатларининг мувофиқлик сертификатларини эътироф этиш йўли билан 135 та мувофиқлик сертификати расмийлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 110 ва 122 фоизни ташкил этди. Ўз ўрнида, айрим маҳсулотлар талабга жавоб бермаганлиги учун уларга мувофиқлик сертификати бериш рад этилди. Хусусан, шу давр ичида 18 млн. 800 минг сўмлик айнан ана шундай маҳсулотлар (озиқ-овқат ва алкогол) яроқсиз, деб топилди. Умуман, ўтган ярим йилда марказимиз томонидан жами бажарилган хизматлар ҳажми 114 млн. 185,9 минг сўмни ташкил этди.

Жорий йилга белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда учта корхонада — "Нукускабель" масъулияти чекланган жамияти, "Нукус вино заводи" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ва "Турон-Хўжайли" корхоналарида шартнома асосида сифатни бошқариш тизимларини жорий қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Айни вақтда "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси синов ва сертификатлаштириш маркази томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ, синов лабораторияларини ИСО/МЭК 17025: 2007 халқаро стандартлари талабларига асосан халқаро аккредитацияга тайёрлаш бўйича ҳам саъй-ҳаракатлар қилинмоқда.

Умуман айтганда, марказимиз фаолиятининг такомиллаштириб борилаётгани ишлаб чиқарувчилар, юридик ва жисмоний шахсларга ҳар томонлама сифатли хизмат кўрсатиш имконини бермоқда.

**Чингиз ХУДОЙБЕРГАНОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси синов ва сертификатлаштириш маркази директори.**

**ҚУЛАЙЛИК**

### Ёш оилаларга имтиёзли кредитлар

***Навоий шаҳрида ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 88 оилага уй-жой хариди учун ипотека кредити ажратилди.***

Жорий йилнинг биринчи ярмида 124 ёш оила уй-жой олиш, қурилиш ашёлари ва уйни реконструкция қилиш мақсадида тижорат банклари томонидан 2 миллиард 400 миллион сўм миқдорида кредит олишга муваффақ бўлди.

340 нафар янги оила банклар маблағи ҳисобига 840 миллион сўмлик маиший уй жиҳозлари харид қилдилар. Шунингдек, ҳудуддаги бир қатор ёш оилаларга қорамол олишлари учун 90 миллион сўмлик имтиёзли кредит берилди.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**
**ҳузуридаги аспирантура ва докторантураларга 2009 йил учун қуйидаги илмий йўналишлар мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади:**

- **физика-математика ва техника фанлари;**
- **табиий фанлар;**
- **ижтимоий-гуманитар фанлар.**

Қабулга тегишли барча зарур маълумотлар ва қоидалар билан Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари, илмий ишлаб чиқариш бирлашмалари ва марказлари ҳамда минтақавий бўлимларида танишиш мумкин.

*Ҳужжатлар 20 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.*
*Кириш имтиҳонлари 16 октябрдан 10 ноябргача танлов асосида ўтказилади.*

**Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:**
- *Ўзбекистон тарихи;*
- *фалсафа;*
- *чет тили (инглиз, немис, француз ёки бошқа тиллардан бири);*
- *мутахассислик.*

Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий-тадқиқот муассасаси кенгашининг қарорига биноан ўқишга қабул қилинадилар.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар ётоқхона билан таъминланадилар.

**Қўшимча маълумотларни www.academy.uz сайтидан олиш мумкин.**
**Маълумот учун телефонлар: 233-59-46, 236-77-07.**



**«ЕВРОМЕТАЛЛ-ОСИЁ» ҚК**

| ХАЛҚА, ОЛТИҚИРРАЛИ | Г/К, Х/К ва рифелланган ТУНУКА |
|---|---|
| Д = 10-250 мм, ст.3, 65Г, 20-45, 20Х-45Х, 40ХФА, 45ХН2МФА, 30ХГСА ва бошқалар | ст. 3сп5 2,5-3-4-5-6-8-10-12 мм, 4-рифл ст. 08КП 0,5-0,6 мм, ст.60С2 А 4-5 мм |
| ЗАНГЛАМАЙДИГАН | РУЛОНЛИ ТАСМА |
| Кувурлар: 25х2,0, 57х3,0 ст. 12Х18Н10Т. Тунука: 1-1,5-2-3-4-5-6-8-10-12-16 мм ст. 12Х17, ст. 08Х18Н10, ст. 12Х18Н10Т | ст. У8Г 0,9х0,326-Р |
| ЦЕМЕНТ – М400 ҚОПЛАРДА | МЕТАЛЛ ПРОКАТИДАН МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ВА БУЮМЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ |
| («ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» маҳсулоти) | |

Маҳсулот сертификатланган.

**Тошкент шаҳридаги омборда Россия, Украина ва Қозоғистон металл маҳсулотларининг кенг ассортименти доим мавжуд**

*Тошкент ш., Бобур к., 87/1-«Б» уй. Тел./факс: (99871) 255-76-74, 254-94-95 (ф.).*
*E-mail: vklim 70@mail.ru*

1433Я/928



Республика Кўчмас мулк биржаси Бухоро вилояти филиали
нархлари босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига фуқаролик ишлари бўйича Ғиждувон туманлараро судининг 2008 йил 6 февралдаги 1-296-сонли ижро варақасига асосан, Ғиждувон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «KLASS» русумли дон ўриш комбайнини қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси – 62 500 000 сўм.***

Аукцион савдоси **2008 йилнинг 22 октябрь куни соат 11.00** да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, РКМБ Бухоро вилояти филиалининг савдолар залида бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБ Бухоро вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека банк»и Сардор филиалидаги, қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт: 20210000900571452052, МФО 00119, СТИР 200933850, ОКОНХ 83300.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 8 (365) 223-71-30, 223-71-36.**
**Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz.**

1502Н/1463 **Лицензия: DB 001 № 000004**



O'ZEKSPO MARKAZ
Toshkent
O'zbekiston

POWER UZBEKISTAN 2008

2008
23-25 sentabr

3 - XALQARO IXTISOSLASHGAN
KO'RGAZMA
ENERGETIKA

Tashkilotchilar: ITE UZBEKISTAN
Тел.: +(998 71) 113 01 80
факс: +(998 71) 252 51 64
E-mail: post@ite-uzbekistan.uz

Ko'rgazmaning ochilish marosimi: 2008 yil 23 sentabr • 11.00

Ko'rgazmaning ishlash tartibi: 23 sentabr • 11.30 - 17.00 24 sentabr • 10.00 - 17.00 25 sentabr • 10.00 - 16.00

ufi Member

1499Н/1516



**Ўзбекистон Республикаси ФА «Физика-Қуёш» ИИЧБ таъсис этган**

**«QURILISHGELIOSERVIS» МЧЖ**

ишлаб чиқариш, маъмурий ва тураржой бинолари — коллежлар, поликлиникалар, пансионатлар ва бошқа объектларни йил давомида бир суткада 500 литрдан 10 000 литргача иссиқ сув билан таъминлаш қувватига эга бўлган

**сув иситиш қуёш тизими қурилмасини ишлаб чиқаради.**




*Биз углеводород ёнилғисини тежашингизга ёрдам берамиз.*

*Сиз йил давомида қуёш энергияси ҳисобига иссиқ сув билан таъминланган бўласиз.*

Тел./факс: 233-64-47, 235-41-60.
E-mail: qgs@uzsci.net
Веб-сайт: www.qgs.ucoz.ru

Патент № IAP 02665. Лицензия № 000372.

1442Я/1486



SONATA

Ўз йўлингни танла!

Drive your way



КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel.: 250-11-11.



**«САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОИЙ ПАКЕТИ**

Хизматлар лицензияланган

**ЖАМОА ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИК**
**ФАҚАТ ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН!** DOKTOR -SERVIS




ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН ТУРЛИ ХИЛ ИЖТИМОИЙ ПАКЕТЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ.

**«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+»**

Бир йил давомида етакчи мутахассислар маслаҳатлари — **БЕПУЛ.**

Лабораторияда ва даволаш воситалари билан текширувлар ўтказиш, мутахассисларнинг уйда берадиган маслаҳатлари ва тез тиббий ёрдам учун чегирмалар.

«ДОКТОР-СЕРВИС»дан «САЛОМАТЛИК+» ИЖТИМОИЙ ПАКЕТИНИ ходимларингиз учун сотиб олсангиз, уларнинг соғлиқларига кафолат, эртанги кунларига ишонч тортиқ қилган бўласиз.

**Тел.: 277-0000, 288-5000, 120-7731, факс: 273-0090.** e-mail: doktor@sarkor.uz


"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари таҳририяти жамоаси "Народное слово" газетаси бўлим муҳаррири Сергей Алексеевич Лига онаси

**Нина Николаевна КИМнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти жамоаси институт директори Рамазон Қўзиевга акаси

**Темир ҚЎЗИЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

